Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 252 (4458). | 30 декабрь, 1971 йил, ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН!

ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ИЙҒИЛИШИ

ЛЕНИНГРАД. 28 декабрь. (ТАСС). Совет кишилари янги беш йилликнинг биринчи йилиги коммунистик қурилишнинг КПСС тарихий XXIV съезди белгилаб берган программасини амалга ошириш учун қизғин, фидокорона кураш олиб борилган йилни сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ўсган бир вазиятда муваффақиятли равишда тугалламоқдалар. Ленинград шаҳри ва Ленинград областининг меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йили топшириғини 25 декабрда бажариб, ҳозир меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, йўқотишни беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун мусобақани кенг авж олдирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари, СССР Олий Совети қабул қилган янги беш йиллик план мамлакатнинг барча меҳнатчилари учун бўлгани сингари ленинградликлар учун ҳам иш—харакатнинг жанговар программаси бўлди.

Ленинград область партия ташкилоти активининг бугун «Октябрьский» катта концерт залида бошланган йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунларига бағишланди.

Йиғилишни Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. В. Романов очди.

Актив йиғилишида доклад қилган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни йиғилиш аҳли ўринларидан туриб, гулдўрос, давомли қарсаклар билан кутиб олди.







ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАСИ

Янги йил эшик қоқмоқда. Бу байрамга қўли ширин пазандалар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Байрам хилма-хилноз-неъматларсиз ўтмайди, албатта. Шаҳар умумий овқатланиш бошқармасига қарашли барча ресторанлар, ошхоналарнинг пазандалари дастурхонимиз аҳолисига турли-туман ноз-неъматлар тайёрлаб бермоқдалар. Янги йил муносабати билан Театр майдонида ташкил этилган ярмаркага ҳам улар ўз қўллари билан пиширib тайёрлаган маҳсулотларнинг юздан ортиқ хилини қўйишди.

«Тошкент» ресторанининг машҳур бош ошпази, республикада хизмат кўрсатган савдо ходими Ориф Турсунов бошчилик қилаётган ошхонага қарашли столларда ажойиб таомлар, 30 хилдан ортиқ ярим фабрикат маҳсулотлари қўйилган. Янги йил дастурхонини безаш учун бу ердан бифштекс, бифстрогон, лагмон ҳамири, товуқ гўшти, нориндан тортиб, бедана гўштигача сотиб олишингиз мумкин. «Гулистон», «Россия», «Баҳор» «Дўстлик» ресторанларида тайёрланган хилмахил таомлар ҳам шу ерда.

Бундан ташқари, Куйбишев, Фрунзе, Октябрь, Ленин, Киров районлари ошхоналар трестининг пазандалари ҳам шаҳар виставкасида қатнашмоқдалар. Биргина тортнинг 30 хилдан ортиғи қўйилган. «Пахта», «Тошкент», «Юбилей», «Гули», «Узбекистон», «Самарқанд» деб номланган тортлар Янги йилга яхши совға бўла олади.

Биринчи кун кўргазмага етти тоннадан ортиқ ярим тайёр маҳсулотлар, 10 тоннадан ортиқ қандолатли ширинлик сотилди. Бугун ҳам кўргазмадан шу маҳсулотларни харид қилишингиз мумкин.

Барча ресторанлар ва ошхоналарда Янги йил кечасини кутиш учун ҳозиргача 70 мингдан ортиқ буюртма қабул қилинди. Бу буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида пазандаларимиз Янги йил кечаси аҳоли хизматида бўламиз, дейишмоқда.

Шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси кичкинтойларни ҳам унутгани йўқ. Улар учун 150 мингдан ортиқ ҳар хил совғасалом тайёрлаб қўйилди. «Буратино» кафесида эса катта арча байрами ўтказилади. Бу арча байрамига ўн мингдан ортиқ кичкинтой қатнашади.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

Шу кунларда областимиз шаҳар ва районларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланган партия активи йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

▲ **ТОШКЕНТ.** Октябрь район партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Актив йиғилишида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов доклад қилди.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Актив ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов ўртоқлар иштирок этдилар.

* * *

Пойтахтнинг Ленин район партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин доклад қилди.

* * *

Чилонзор район партия активининг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишда ана шу масала юзасидан область ижроия комитети раиси С. А. Асомов доклад қилди.

* * *

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланган Янгийўл шаҳар партия активи йиғилишида эса область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин доклад қилди.

▲ **КАЛИНИН.** 28 декабрда бўлиб ўтган район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов доклад қилди.

▲ **ПИСКЕНТ.** Пискент район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ва район партия ташкилоти вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари З. Ҳ. Ҳўжаев доклад қилди.

▲ **ҚИБРАЙ.** Бу ерда бўлиб ўтган Орконикидзе район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

* * *

Фрунзе район партия активи йиғилишининг иштирокчилари ўз сўзларида фидокорона меҳнатлари билан она-Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш, партия белгилаб берган улуғвор вазифаларни сўзсиз амалга оширажаклари ҳақида гапирдилар. Партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин доклад қилди.

* * *

Собир Раҳимов районида бўлиб ўтган партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидат, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов шу масала ҳақида доклад қилди.

▲ **ЯНГИЮЛ.** Бу ерда бўлиб ўтган район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Йиғилишда ана шу масала юзасидан область ижроия комитети раиси С. А. Асомов доклад қилди.

* * *

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланган Янгийўл шаҳар партия активи йиғилишида эса область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин доклад қилди.

▲ **КАЛИНИН.** 28 декабрда бўлиб ўтган район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов доклад қилди.

▲ **ПИСКЕНТ.** Пискент район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ва район партия ташкилоти вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари З. Ҳ. Ҳўжаев доклад қилди.

▲ **ҚИБРАЙ.** Бу ерда бўлиб ўтган Орконикидзе район партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, область партия комитетининг биринчи секретари Ғ. М. Мусахонов доклад қилди.

* * *

Собир Раҳимов районида бўлиб ўтган партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, Туркистон ҳарбий округининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко доклад қилди.

▲ **БЕКОБОД.** КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланган Бекобод района партия активи йиғилишида Тошкент область партия комитети бюросининг аъзоси, область ижроия комитетининг раиси С. А. Асомов доклад қилди.

Бекобод шаҳар партия активининг йиғилиши ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Йиғилиш иштирокчилари область партия комитетининг секретари Н. И. Малихиннинг шу масалага бағишланган докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

▲ **БЎКА.** Бу ерда район партия комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида доклад қилди.

▲ **ОҲАНГАРОН.** Район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида область партия комитетининг секретари З. Ҳ. Ҳўжаев доклад қилди.

▲ **ТУЙТЕПА.** Бу ерда бўлиб ўтган Ўрта Чирчиқ район партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Унда Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов доклад қилди.

▲ **ЯНГИОБОД.** Шаҳар партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида область партия комитети партия комиссиясининг раиси А. И. Шкуратов доклад қилди.

▲ **ЧИРЧИҚ.** Шаҳар партия активи йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро аъзоси, Туркистон ҳарбий округининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко доклад қилди.

▲ **БЕКОБОД.** КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланган Бекобод района партия активи йиғилишида Тошкент область партия комитети бюросининг аъзоси, область ижроия комитетининг раиси С. А. Асомов доклад қилди.

Бекобод шаҳар партия активининг йиғилиши ҳам КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Йиғилиш иштирокчилари область партия комитетининг секретари Н. И. Малихиннинг шу масалага бағишланган докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

▲ **БЎКА.** Бу ерда район партия комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида доклад қилди.

▲ **ОҲАНГАРОН.** Район партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида область партия комитетининг секретари З. Ҳ. Ҳўжаев доклад қилди.

▲ **ТУЙТЕПА.** Бу ерда бўлиб ўтган Ўрта Чирчиқ район партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди. Унда Тошкент область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов доклад қилди.

▲ **ЯНГИОБОД.** Шаҳар партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ҳақида область партия комитети партия комиссиясининг раиси А. И. Шкуратов доклад қилди.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Мамлакат КЎМИР САНОАТИ ходимлари кўмир қазиб чиқариш планини ва қўшимча топшириқни муддатидан аввал бажардилар.

1970 йилга нисбатан кўмир қазиб чиқариш 17 миллион тонна миқдорда кўпаяди.

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ ходимлари қоғоз ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Ўтган йилга нисбатан 218 минг тонна кўп қоғоз ишлаб чиқарилади, шунинг 50 минг тоннасидан кўпроғи газетабоп қоғоз бўлади.

ОБЛАСТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент областида сув хўжалиги ва совхозлар қурилиши ҳақида махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарор область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг, ирригация-мелиорация, совхозлар қурилишини тезлаштириш, суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини равнақ эттиришнинг кенг истиқболларини белгилаб беради. Область партия комитети ва область ижроия комитети ана шу қарор асосида областда сув хўжалиги ва совхозлар қурилиши ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қарорда 1971—1975 йилларда давлат капитал маблағи ҳисобига сув хўжалиги қурилишини кучайтириш ва 28,2 минг гектар суғориладиган янги ерни ўзлаштириш, 54 минг гектар ерда майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, буюртмачилар асосида районлар бўйича 24,5 минг гектар мавжуд суғориладиган ерни капитал текислаш тадбирлари тасдиқланди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети, суғориш системалари область бошқармаси зиммасига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида асосий коллекторларни реконструкция қилиш бўйича биринчи навбатда қуйидаги ишларни бажариш вазифасини юклади: жумладан, Бўка районида 6 минг гектар суғориладиган ернинг сизот сувини чиқариб олишни таъминлайдиган «Гиджигон» коллекторини 1974 йилгача, Ўрта Чирчиқ районида 27 минг гектар суғориладиган ернинг сизот сувини чиқариш учун «РК-5», «РК-6», «РК-7» коллекторларини 1972—1975 йиллар давомида, Оққўрғон районида 27 минг гектар суғориладиган ернинг сизот сувларини чиқариш учун «РК-8», «РК-9» коллекторларини 1972—1975 йилларда, Янгийўл районида 4 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун «Шўралисой» коллекторини 1973 йилгача, Калинин районида 2 минг гектар ер учун «Ачисой» коллекторини 1972 йилда реконструкция қилиш, шунингдек, Бекобод районида 7 минг гектар майдонда тик дренаж қуришни амалга ошириш ҳамда Оққўрғон ва Янгийўл районларида ҳам дренажнинг бу турини 1972—1975 йиллар давомида жорий этиш лозим.

Суғориш системалари область бошқармасига мавжуд суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни кучайтириш ва янги ерларни ўзлаштириш учун 1971—1975 йилларда Қорасувнинг чап қирғоқ каналини, Полвонов номли Тошкент каналини, «Жўн», «Бўзсу»—«Бўрижар» трактини, Юқори Тошкент каналини, «Қорасув» ва «Салор» транзит каналларини реконструкция қилишни, 1974 йилга қадар Янгийўл районида Чирчиқ дарёси бўйларида ҳимоя ва қирғоқни мустаҳкамлаш ишларини тугаллаш тавсия этилди.

Область пахтачилик совхозлари трести ва «Ташводстрой» трести зиммасига ҳам янги ерларни ўзлаштириш «Кўкорол» массиви совхозларида 1971—1975 йилларда турар—жой, коммунал ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш юзасидан ҳам топшириқларни бажариш юклатилди.

Ерларни ўзлаштириш ва ягона қурилиш ташкилоти орқали қурилишни марказлаштириш учун «Ташводстрой» трестига сув хўжалиги қурилиши, 1-«Кўкорол» ва «Ленинград» совхозларида қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича бош пудратчи вазифасини юклатишга қарор қилинди.

«Ташводстрой» трестига 1971—1972 йилларда Кўкорол массивида 1972 йил учун мўлжалланган ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур бўлган саноат-граждан қурилиши кўчма механизациялаштирилган колоннасини ташкил этиш тавсия этилди.

Қарорда колхозлар ҳисобига умумий майдони 4,3 минг гектар бўлган янги ерни ўзлаштириш юзасидан колхозларга топшириқ белгиланди.

«Ташсадвинсовхоз» область трестига 2,55 минг гектар янги ерни ўзлаштиришни топшириғини бажариш тавсия этилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети район партия комитетлари, район ижроия комитетларига, область пахтачилик совхозлари ва богдорчилик—сабзавотчилик совхозлари трестларига, қишлоқ хўжалиги область бошқармасига, совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг раисларига ҳар йили колхоз ва совхозларнинг саноат—молия планларида хўжаликларнинг ўзидаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва уларни ҳамма вақт ишга яроқ ҳолда сақлаш имкониятини берадиган қилиб тузатиб қўйиш учун зарур миқдорда маблағ ва материал—техника восталарини ажратишни кўзда тутиш топширилди. Бу ишлар колхоз ва совхозларнинг розилиги билан «Ташмелиоводстрой» ва «Ташводстрой» қурилиш трестларининг пудрат ишлари планига киритиб қўйилиши керак.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига сув хўжалиги ва совхоз қурилишини тезлаштириш, суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва бу ерларда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олинишига эришиш учун зарур тадбирларни кўриш, сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотларини кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларни зарур турар—жойлар билан таъминлаш ва маданий—маиший шароитлар яратиб бериш учун доимо ёрдам бериб бориш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг бу қарори пойтахт области қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақида доимо қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари бу қарорнинг гоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир меҳнаткашга етказишлари, унда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этишлари лозим.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ КУБАДА

ГАВАНА, 28 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигидаги КПСС делегацияси Чили компартиясининг 50 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Сантьягога бора туриб, бу ерга келди.

Гавана аэропортида делегацияни Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси, Революцион ҳукумат министри Карлос Рафаэль Родригес ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўртоқ Р. Кастро совет делегациясини самимий табриклади. Ўртоқ А. П. Кириленко Куба революцияси галабасининг яқинлашаётган 13 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР ҳукумати ва совет халқи номидан Куба меҳнаткашларига, Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Бош министр ўртоқ Фидель Кастрога қизғин салом ва қутловлар топширди. А. П. Кириленко қардош Куба халқини келаётган янги йил билан табриклади ва унга социализм қурилишида янги-янги муваффақиятлар тилади.

ДЎСТОНА ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг Президенти Освальдо Дортикос Торрадо 28 декабрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Куба ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва бошқалар Освальдо Дортикос Торрадони узатиб қолдилар.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг пиёдалар, учувчилар, денгизчилардан иборат уч тури фахрий қоровулликда саф тортди.

О. Дортикос ва А. Н. Косигин совет жангчилари сафини айланиб ўтишди. Икки мамлакат давлат гимнлари ижро этилди.

Кубалик меҳмонлар совет давлат арбоблари билан, Москва меҳнаткашларининг вакиллари билан самимий хайрлашадилар. Самолёт Гавана сари йўл олади. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ ЎҚИШИ

ҚИБРАЙ (Тошкент области), 28 декабрь. (ЎзТАГ). Чорвачилик совхозлари партия ташкилотлари секретарларининг республика семинаридаги машғулотлар бугун тугади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўтказган бу семинар чорвачилик илмий-тадқиқот институтида тўрт кун давом этди.

Семинар қатнашчилари республикада чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида, суғориладиган ва ламмикор ерларда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ҳақида, гўшт-сут маҳсулотларни етиштиришни янада кўпайтириш йўллари тўғрисида олимлар, мутахассисларнинг лекция ҳамда докладларини тингладилар. Партия ташкилотларининг секретарлари «Красний водопад» экспериментал базасида фермаларни комплекс механизациялаш тажрибаси билан, «Қибрай» совхозида хўжаликдаги партиявий-сиёсий иш билан танишдилар.

Бугун бўлиб ўтган назарий конференция партия қурилишининг ленинча принципларини ва КПСС XXIV съезди қарорларини бу принципларнинг ижодий ривожлантирилиши, деган мавзуга бағишланди.

Семинар машғулотларининг якунловчи кунида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

МАШИНАСОЗЛАР КАТТА ЙЎЛДА

«Чирчиксельмаш» заводи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилини катта меҳнат зафарлари билан якунламоқда. Машинасозлар йиллик планни бажаришганига бир ҳафта бўлди. Шу кунларда пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Завод дарвозасидан ҳар куни ўнлаб культиватор, кўрак териш машиналари, запас қисмлар ортган машиналар чиқиб туради. Машинасозлар маҳсулоти фақат республикамиз, шунингдек, Иттифоқдош республикаларга жўнатилибгина қолмай, балки бир қатор чет давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Завод коллективи бундай муваффақиятга цехлар, участкалар, бригадалар ўртасида яхши йўлга қўйилган социалистик мусобақа туфайли, ҳар бир касб эгасининг ўз вазифасига сидқидилдан ёндошганлиги сабабли эришди. Корхонада беш йилликни тўрт йилда бажариш шиори остида меҳнат қилинмоқда. Иван Правдин, Александр Махоркин бошлиқ бригадалар, А. Мамадалиев, К. Жамилов, бошчилик қилаётган участка аъзолари беш йилликни уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олишган. Заводда илғор бригада ва участка иш тажрибаларини ўрганиб, илғорларга эргашаётганлар сафи тобора кенгаймоқда.

Иккинчи механика-йиғув цехи коллективи ўзаро мусобақада ҳамиша олдинги ўринларнинг бирини эгаллаб келмоқда. Йиғувчилар бир неча бор завод кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлишди. Тўртинчи квартал планини ҳам ошириб адо этган бу цех ишчилари юзлаб қўшимча культиватор тайёрладилар. Бунда айниқса Р. Бектемирова, М. Бойматов, Г. Газизов, Е. Сухорукова, В. Казакова ва бошқалар намуна кўрсатиб ишладилар.

Заводда 1972 йил иккинчи ярим йиллиги ҳисобига меҳнат қилаётган кишиларни кўплаб учратасиз. Бундай илғорлар деярли ҳар цех, участка ва бригадаларда тошилади. Иккинчи механика цехининг пайвандчиси Валентина Папина сафдошларн тобора кенгаймоқда. В. Пашинанинг шиори беш кунлик нормани тўрт кунда, беш йилликни эса тўрт йилда бажаришдир.

Бу ишда комсомол ёшлар бригадалари ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлаб, завод ветеранларининг муносиб давомчилари бўлиб қолишга интилмоқдалар. Юзлаб комсомол-ишчилар коммунистик меҳнат зарбдори деган номга сазовор бўлишган. К. Кенжабоев, Ш. Сайдаметова, Р. Раҳимзянова, Ю. Богаткин, Ю. Фирсов ва бошқа ёшлар корхонанинг машъаллари ҳисобланишади. Улар маҳсулотни аъло сифатда тайёрлаш билан нормани бир ярим — икки ҳисса қилиб адо этмоқдалар. С. Матвеева, А. Махоркин, З. Карпенко бошчилик қилаётган бригадалар коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга сазовор бўлган.

Заводда шундай яхши бир одат бор: ўзаро мусобақада голиб келганлар умумий йиғилишда рағбатлантирилиб турилади. Тантанали суратда уларга «Ўз касбининг устаси» деган ном берилади. Яқинда бир группа ишчилар ана шундай номга сазовор бўлишди. 16-цехнинг слесарь йиғувчиси Ф. Шайдуллин, олтинчи цех ишчиси Ф. Файзуллаев, бешинчи цех қолипловчиси М. Юнусов шундай қобилиятли ёш мутахассислардир.

Машинасозлар янги йил режаларини белгилашмоқда. Улар янги йилда бу йилгидан янада кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш ниятидалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



ДОНИЯ Хожимуродова ҳамда Манзура Одиловалар пилланашлик фабрикасида ҳурмат-эътибор қозонган ишчилардан ҳисобланишади. Меҳнатсеварлар йиғирув цехи коллективининг йиллик планни барвақт уддалашида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Суратда: (чапда) Д. Хожимуродова ва М. Одиловалар иш устида.

И. Шоногомов фотоси.

КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ОТАЛИҒИДА

Ёшлар билан ишлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялашда касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг роли ва иштироки каттадир. Касаба союзлари Тошкент область Совети ва область комсомол комитетининг яқинда бўлиб ўтган қўшма пленумида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Пленумда «Кечки ва ишлоқ ёшлари мактаблари ҳамда сиртдан қатнаб ўқиш мактаблари ва касаба союз ташкилотининг вазифалари» деган темада облсовпроф секретари ўртоқ В. Козлов доклад қилди.

Ҳозир Тошкент ва Тошкент областида 126 та кечки, смена ли ва сиртқи мактаблар ишлаб турибди, дейди докладчи, уларда 35291 йигит-қиз ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олмоқда. Кечки мактабларга ўқувчиларни кўпроқ тортишда касаба союз ташкилотларининг ҳам иштироки катта бўлмоқда. Кўпгина корхоналар ва хўжаликлар ёшларнинг ўқишлари учун зарур шароит яратиб бердилар.

Шу билан бирга, ҳали кўпгина мактабларимиз ўзларининг мустақил биноларига эга эмаслар. Устига-устак, уларда ўқув кабинетлари ва методик қўлланмалар етишмайди. Бу эса ўқув-тарбия савиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ёшлар билан ишлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялашни янада яхшилаш мақсадида область касаба союзи ташкилотлари томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қўшма пленум кун тартибига қўйилган иккинчи масала — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш юзасидан область комсомол комитети секретари ўртоқ М. Мирсоатованинг доклади тингланди.

Келгуси йили Бутуниттифоқ пионер ташкилоти ўзининг Ярим асрлик юбилейини нишонлайди. Бунинг учун ҳозирданоқ кўпгина ишлар амалга оширилди. Докладчи шонли юбилейга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар ҳақида батафсил гапириб берди.

Қўшма пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Янгийўл шаҳар меҳнаткашлари янги йил арафасида қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. КПССнинг тарихий XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этга борган шаҳар саноатчилари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда меҳнат қилиб маҳсулот реализация қилиш йиллик топшириғини 23 декабрда муддатидан олдин бажардилар.

Ички резервларни қидириб топиш, корхоналар ўртасида социалистик мусобақани қизғин юборши, бешйилликни тўрт йил ва ундан ҳам олдин бажариш ташаббусини кенг ёйиш-туфайли ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Барча саноат корхоналари коллективлари эришилган муваффақиятни янада мустаҳкамлаш, Янги йилни меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб олиш мақсадида ўз зиммаларига янада оширилган мажбурият қабул қилишди. Азамат ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар йил охиригача планга қўшимча равишда 4 ярим миллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишга қарор қилдилар. Сўзи билан иши бир саноатчилар бу шарафли вазифани ҳам тўла-тўкис уддасидан чиқиш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

ЗАФАРЛИ ЙИЛ

Янги 1972 йил арафасида турибмиз. Ўлкамизда қиш. Тоғ ёмғир, тоғ қор ёғиб турибди. Узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб турган баланд тоғлар гўё оқ чодирга ўралиб олгандай. Тоғ ёнбағирларида жойлашган қир-адирлар, ястаниб ётган поёнсиз далалар оппоқ қорга бурканган. Япроқлари кузда тўкилиб битган дов-дарахтлар аллақачон уйқуга кирган. Бутун борлиқ қиш либосида...

Ҳар фаслнинг ўз фазилати, ўз зийнати бор. Тўрт фасл — баҳор, ёз, куз ва қиш бир-бирининг кетидан келиб, бири иккинчисининг ўрнини эгаллаб, табиатга ва бутун борлиққа ҳар гал янги ҳаёт ва янги инъом олиб келади, оламни янги сеп билан безайди, унинг ҳуснига ҳусн қўшади, файзига файз киритади. Фасллар мусобақаси ана шу зайлда тинимсиз давом этади.

Оламни яшил либосга буркайдиган баҳор ҳамиша гўзал. Ўзининг иссиқ тафти билан ажойиб ноз-неъматлар етиштирадиган ёз доимо ўтади соз. Олтин кузнинг таърифтавсифига не етсин! Хўш, қиш-чи? Қишнинг ҳам гашти бўлакча. У сеҳрли кўли билан ажойиб манзаралар яратишдан ташқари, бутун борлиқни ювиб, тозалайди, ерга дармон беради, ҳавони бағубор қилади, одамнинг қалбини мусаффо этади. Қишнинг бошқа фасллардан фарқи шундаки, ҳар гал янги йил ана шу кумуш фаслда кутиб олинади.

Янги йил арафасидамиз. Бу пайтда ҳеч кимда тиним йўқ. Бировлар қариндош-уруғлари, ёру-биродарларига табрикнома йўллаш учун шошилмоқда. Бошқа бировлар Янги йилни дўстлари билан биргаликда ўтказиш мақсадида байрам дастурхонини безаш билан овора. Совға олиб келаётган, арча кўтарган, йўл устида бир-бирини чин юракдан табриклаётган кишиларни ҳар қадамда учратасиз. Хуллас, ҳамма янги йил тараддудида.

Ёшу-қари — ҳамманинг қалбини кириб келаётган Янги йил қувончи банд қилган. Айниқса, кўзимизнинг оқ-қораси, дилимизнинг қувончи бўлган болажонларимизнинг шодонлиги чексиз. Улар учун маданият ва спорт саройларида, томошахоналарда, шаҳар майдонларида чиройли қилиб безатилган арчалар ўрнатилган. Уларни қизиқарли байрам концертлари, турли хил томошалар, янги йил совғалари кутмоқда. Болалар гўзал ва фаровон ҳаётимизнинг ғунчалари, бизнинг келажагимиз бўлганлиги учун уларга алоҳида эътибор бериб, катта ғамхўрлик кўрсатиб, ҳамма қулай шароитларни яратиб қўйганмиз. Зероки, болаларимиз қувончи — бизнинг қувончимиз, болаларимиз бахтиёрлиги — бизнинг бахт-саодатимиз, болаларимиз келажаги — бизнинг порлоқ истиқболимиздир.

Бугун Советлар юртининг ҳамма бурчакларида, шу жумладан жонажон Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳам катта шодиёна. Ҳаммаёқ байрам либосига бурканган. Аста эсаётган шамолда ол байроқлар ҳилпирайди. Кўчаларга, бинолар-нинг пештоқларига ўрнатилган қизил алвонларда Янги йил табрик сўзларини ўқиймиз. Айниқса, оқшом маҳараси жуда гўзал, дилрабо ва фусункор — гўё осмондан юлдузлар чамани ерга сочилгандай. Ранг-баранг бўлиб товланаётган электр чироқлари, ўчиб-ёнувчи турли рекламалар кўзни қамаштиради.

Одамларнинг чеҳрасидаги табассум, қалбидаги шодликнинг чеки йўқ. Улар бахт-саодати, ҳуррам замонда, инсон учун ҳамма имкониятлар муҳайё этилган мамлакатда яшаётганликларидан беҳад мамнунлар. Янги йилни улар ана шу хилда юксак кўтаринки руҳ билан, чексиз шоду-ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар.

ҲАР гал Янги йил арафасида босиб ўтилган йўлни бир бор назардан ўтказиш, қилинган ишларга якун ясаш ва янги йил режаларини тузиш совет кишилари учун одат тусига кириб қолган. Шу жиҳатдан қараганда, 1971 йил ҳам, ҳеч шубҳасиз, ундан олдинги йилларга ўхшаб, биз, совет кишилари учун гоят баракали, ҳар жиҳатдан салмоқли ва қутлуғ йил бўлди. 1971 йилни зўр мамнунлик билан тарих саҳифасига кузатар эканмиз, ҳар биримизнинг ёшимизга яна бир ёш, умримизга умр қўшилганлигидан, меҳнат ва ижод соҳасидаги ютуқларимиз сони ортганлигидан, халқимизнинг фаровонлиги ва юртимизнинг қудрати, обрў-эътибори ва мавқеи тағин бир поғона юқори кўтарилганлигидан беҳад мамнунмиз. 1971 йил бутун инсониятнинг порлоқ келажаги бўлмиш коммунизм сари олға қараб ташланган яна бир улкан одим бўлди. Коммунизм тарихда биринчи дафъа бизнинг мамлакатимизда барпо қилинаётганлиги билан, биз совет кишилари чексиз фахрланамиз.

Тарих саҳифасига кириб бораётган 1971 йилда мамлакатимиз, халқимиз ва партиямиз ҳаётида жуда катта воқеалар бўлиб ўтди, меҳнат соҳасида эса улкан зафарларга эришилди. Бу воқеаларнинг каттаси шу йилнинг март-апрель ойларида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди бўлиб ўтганлигидир.

КПСС XXIV съезднинг Коммунистик партия ва совет халқи ҳаётидаги, шунингдек, мамлакатимизни янада ривожлантириш, жаҳон социализм системасини тағин ҳам мустаҳкамлаш, халқаро революцион ҳаракатни тобора кенгайтиришдаги роли ва аҳамияти ниҳоятда буюкдир. Съезд партия ва халқимиз кейинги йилларда қилган жуда катта ишларга якун ясади, бундан кейинги даврга мўлжалланган сиёсий йўлнинг илмий жиҳатдан асосланган программасини ишлаб чиқди. Съезд коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг принципиал йўлйўриқларини белгилаб берди, партиямизнинг ғоявий-тарбиявий ишларни соҳасидаги асосий вазифаларини ишлаб чиқди, совет жамиятини янада ривожлантириб боришнинг муҳим проблемаларини ўртага қўйди ва бу проблемаларни илмий йўсинда ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қилинган партия Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ижодий марксизм-ленинизмнинг жуда катта ҳужжати бўлди. Ҳисобот докладида ҳозирги давр, партия ва халқнинг КПСС XXIII съездидан кейинги фаолиятининг ажойиб якунлари чуқур анализ қилиб берилди, ҳамда мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари учун, социализм мамлакатларининг жипслигини ва қудратини янада мустаҳкамлаш учун, коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашнинг жанговар программаси белгилаб берилди. Партия съезди КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, Марказий Комитет ҳисобот докладида баён қилинган таклифлар ва хулосаларни яқдиллик билан маъқуллади.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин съездда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планига доир Директивалар тўғрисида доклад қилди ва бу Директивалар съезд томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Съезд материалларида Коммунистик партиямиз тўплаган жуда катта ва бой тажриба, унинг коллектив донишмандлиги, партия ишидаги мустаҳкам бирлик, жипслик ўз ёрқин ифодасини топди.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ коммунизм бунёдкорларининг улкан анжуманн сифатида партиямиз ва халқимиз тарихида ажойиб бир зарварақ бўлиб қолади. Бунинг боиси шуки:

— сиёсий нуқтаи назардан қараганда, бу съезд партиямизнинг маънавий-сиёсий жиҳатдан монолит бирлигининг, партия ва халқ манфаатлари, мақсадлари ва тақдири муштараклигининг ёрқин ифодаси бўлди;

— иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, илмий-техника революцияси ва ишлаб чиқаришни интенсификация қилиш даврига қадам қўйган илғор социалистик хўжаликнинг тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини ҳамда бу хўжаликнинг эҳтиёжлари, шунингдек, ривожланган социалистик жамиятнинг ўз экономикаси олдига қўяётган талаблари ҳам тобора ортиб бораётганлигини партия съезди алоҳида кўрсатиб ўтди;

— социал нуқтаи назардан қараганда, съезд мамлакатимизнинг ҳамма меҳнаткашлари учун, Ватанимизнинг ҳар бир граждани учун энг кулай ва энг яхши турмуш шароитлари яратишни таъминлашга, жамиятимиздаги синфлар ва турли қатламлар ўртасидаги тафовутларни аста-секин тугатиб бориш йўлини давом эттиришга қарор қилинганлигини таъкидлади;

— идеология нуқтаи назаридан қараганда, съезд совет жамиятида илмий ва социалистик дунёқараш тўла тантана қилинганлигини яна бир карра намойиш қилди, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва идеология соҳасида мунтазам муросасиз курэш олиб бориш вазифаларини белгилаб берди;

— марксча-ленинча назарияни ривожлантириш нуқтаи назаридан қараганда, съезд бу соҳада бир қатор принципиал қоидаларни олға сурдики, бу қоидалар илмий коммунизм хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилади. Шунингдек, съезд янги жамиятни яратиш ҳамда жаҳон революцион жараёнини қондаларини амалий вазифалар билан узвий боғланган ҳолда чуқур татбиқ қилиш ва ўрганиш истиқболларини кўрсатиб ўтди;

— халқаро сиёсат нуқтаи назаридан қараганда, партиямиз съезди жаҳон резолюцион-озодлик ҳаракатида, халқларнинг тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социализм йўлидаги курашида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг авангардлик ролини яна бир бор тасдиқлади.

Хуллас, КПСС XXIV съезди жамиятимизнинг жуда катта, тўхтовсиз ўсиб бораётган моддий ва маънавий кучларини, совет халқининг синалган авангарди Коммунистик партия ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг донолиги ва изчиллигини, партиянинг марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмга чексиз содиқлигини кўрсатди.

Партия съезди мамлакатни тағин ҳам тез суръатлар билан ҳар томонлама ривожлантиришнинг янги, янада кенг истиқболларини очиб берди. Бунинг натижасида Ватанимиз янада гуллаб-яшнайди, унинг кучқудрати тағин ҳам мустаҳкам бўлади, совет халқининг фаровонлиги ошади, турмуш шароити ҳар қачонгидан ҳам яхшиланади.

ЖАҲОН пролетарларининг улуғ доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин иқтисодий қурилиш масалаларига жуда катта эътибор берган эди. У, иқтисодий қурилиш партия ва давлат фаолиятининг бош сиёсатидир, деб таълим берган эди. Чунки, меҳнат аҳли фаровонлигининг ўсуви, совет жамиятининг коммунизм сари ғолибона бориши, социалистик давлатимиз халқаро мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришн ва унинг жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси ва бошқа ғоят муҳим факторлар ана шу иқтисодий қурилиш соҳасидаги ютуқларга кўп жиҳатдан боғликдир. Шу боисдан ҳам съезд бу масалага биринчи даражали аҳамият бериб, уни чуқур таҳлил қилди ва тегишли тадбирлар белгилади. Съезд партиянинг иқтисодий сиёсати принципларига амал қилиб, мамлакатни ҳозирги даврда ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиб, совет жамиятининг бугунги кундаги реал имкониятларидан келиб чиқиб, янги беш йилликнинг бош вазифаларини белгилаб берди. Бу вазифалар социалистик ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техниканн тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни тезлаштириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир.

Халқ фаровонлигини бутун чоралар билан ошириш партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади ҳисобланади. Бу масала тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси сифатида илгари сурилганлиги бежиз эмас. Бу йўл олдимиздаги беш йил ичида партия ва халқ фаолиятини белгилаб берибгина қолмасдан балки мамлакатнинг узоқ келажакка мўлжалланган хўжалик тараққиётининг умумий йўналишини ҳам белгилаб беришни назарда тутади.

Янги беш йиллик режалари моҳиятини таърифлаб ва унинг жуда катта аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб, ўртоқ Л. И. Брежнев съездга ҳисобот докладида бундай деган эди: «Тўққизинчи беш йиллик совет жамиятининг коммунизм йўлида янада олға бориш ишида, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлиши лозим».

КПСС XXIV съездининг ҳамда Ўзбекистон Компартияси XVIII съездининг тарихий қарорларидан руҳланган совет кишилари ва шу жумладан республикамиз меҳнаткашлари 1971 йилда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Чунки партия белгилаб берган улкан режалар уларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини тағин ҳам авж олдирди юборди.

ЎЗБЕКИСТОН меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини шараф билан бажармоқдалар. Республикамиз саноати йиллик планни муддатидан олдин — 19 декабрда бажарди. Пландан ташқари кўп миқдорда кўмир, нефть ва нефть маҳсулотлари, электр энергияси, пахта териш ва қишлоқ хўжалик машиналари, пахта толаси, халқ истеъмоли товарлари ҳамда буюмларнинг бошқа муҳим хиллари ишлаб чиқарилди. Саноат корхоналарининг коллективлари планга қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Азамат пахтакорларимиз эришган буюк ғалаба алоҳида таҳсинга лойиқдир. Улар Ватан хирмонига 4 миллион 510 минг тонна «оқ олтин» тўкдилар. Пландан ташқари 560 минг тоннадан ортиқ пахта терилди. Пахтазорларда қариб 30 минг «зангори кема»лар ишлади. Улар ёрдамида 1 миллион 800 минг тонна ҳосил йиғиштирib олинди. Бу умумий ҳосилнинг 41 процентини ташкил этади. Донгдор пахтакор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов механизаторларнинг ғиналкам сардори бўлди. У машина билан бир мавсумда 810 тонна пахта териб, жаҳон рекордини ўрнатди.

Республикамиз ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам ана шу хилда катта ва қувончли зафарларга эришилди.

Янги йил арафасида турли коллективлар йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида зўр хурсандчилик билан ғалаба рапортлари бермоқдалар.

Янги беш йилликнинг дастлабки йилини пойтахт область меҳнаткашлари ҳам ҳар соҳада қувончли кўрсаткичлар билан якунламоқдалар. Область пахтакорлари, «оқ олтин»дан улкан хирмон уйиб она Ватанни қувонтирдилар, саноатчилар эса йиллик планни муддатидан анча илгари — 23 декабрда бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида республикамиз меҳнаткашлари олдида янги, янада улкан вазифалар турибди. Бу улуғвор вазифаларни бажариш совет кишиларидан катта меҳнат жасоратини талаб қилади. Шубҳа йўққи, улар КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираборибб, кириб келаётган 1972 йилда ҳам буюк зафарларга эришадилар, ўзларининг Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан коммунизм манзилини тобора яқинлаштирадилар.

Коммунистик қурилишда биз кўлга киритаётган ютуқларнинг ҳаммаси совет кишилари илҳомбахш меҳнатининг натижасидир, қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари, кўп миллатли бутун Ватанимиз барча меҳнаткашларининг манфаатлари, мақсади, орзу-умиди, ҳаракатлари ва истиқболи борлиғининг натижасидир, совет халқини коммунизм сари бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партиямиз тутган тўғри сиёсатининг натижасидир.

ЯНГИ ЙИЛ арафасида, мана шу шодиёна ва тантанали дақиқаларда буюк бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, партия иши учун, коммунизм иши учун садоқат билан хизмат қилаётган фидокор халқимизга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Янги йил арафасида шонли Коммунистик партиямизга минг бор ташаккур айтамиз. Чунки улуғ Ленин васиятларига содиқ бўлган Коммунистик партия бизнинг ҳамма ишларимизга раҳбарлик қилиб, зафарлардан зафарлар сари бошлаб бормоқда.

Янги йил янги бахт-иқбол, янги ютуқлар, янги орзу-умидлар ва янги юксак парвозлар йили бўлсин!

Темур РАСУЛЕВ.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликларининг коллегияси, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг бюроси ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг президиуми республиканинг 1971 йилги ёш механизаторлари мусобақасининг якунларини чиқарди. Бу мусобақада 2591 комсомол ёшлар бригадаси ва звеноси, терим машиналарининг 26 минг нафар ёш механик-ҳайдовчилари қатнашди.

Мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришган Сирдарё, Наманган ва Тошкент область комсомол ташкилотлари Қизил байроқлар ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Область, район, колхоз ва совхоз комсомол ташкилотларидан 24 таси Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди. Энг яхши комсомол ёшлар бригадасидан 8 тасига вимпеллар ва Фахрий ёрлиқлар топширишга қарор қилинди. Пахта терим машиналарининг 21 механик-ҳайдовчиси ҳам шу мукофотларга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).



ҒАЗАЛКЕНТ консерва заводи сабзавот консерваларн тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин — 25 августда бажарган эди. Коллективининг бундай муваффақиятида корхонанинг кенса ишчиларидан бири Фотима Ахмерованинг ҳам муносиб улушн бор. Ишлаб чиқариш илғорн смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этмоқда.

Суратда: ўртоқ Ф. Ахмерова тайёр консерваларни кўздан кечирмоқда.

И. Портнов фотоси.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

(Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларн якунига доир)

Областда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари тугалланди.

Партия йиғилишларида 65846 коммунист иштирок этди. Бу коммунистларнинг умумий сонига нисбатан 90 процентдан ортиғини ташкил этади. Музокараларда мажлис қатнашчиларининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи, яъни 18778 киши сўзга чиқди.

Бу йилги ҳисобот ва сайлов йиғилишлари масалаларни юксак активлик ва принципиаллик билан муҳокама этиш вазнятида, камчиликларни рўй-рост танқид қилиш шиори остида ўтди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари КПСС XXIV съезди бўлиб ўтгандан кўп ўтмай бошланганлиги, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириғини бажариш учун кураш айни қизиб кетган даврга тўғри келганлиги учун ҳам шундай активлик ва ишчанлик билан ўтди.

Коммунистлар ўз ташкилотлари фаолияти ҳақида, уларда эришилаётган ютуқ ва камчиликлар ҳақида атрофлича фикр юритиб, ҳал қилинмаган масалалар, келгусида қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашдилар. Партиявий ишнинг услуб ва формаларини янада такомиллаштириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, коллективларнинг куч-ғайратини КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш масалалари уларнинг диққат марказида бўлди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари пойтахт область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини тўла маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор кўрсатди, улуғ Ленин партияси сафларининг монолит бирлиги ва мустаҳкам жипслигини янги куч билан намойиш этди.

Область меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилида социалистик мажбуриятларини бажариш, саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришдилар. Мамлакат тошкентликлардан иланган ташқари ўн миллионлаб сўмлик маҳсулот олди. Кўплаб корхона, турар-жой, мактаб, касалхона, мактабгача бўлган болалар муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янги марраларни эгалладилар. Давлат омборларига 390 минг тоннага яқин, яъни планда белгиланганидан 59 минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 60 процентн машиналар билан терилди. Колхоз ва совхозлар давлатга 278 минг тоннадан ортиқ сабзавот сотдилар. Бунинг 47 минг тоннаси пландан ташқари маҳсулотдир. Ўтган йилдагига қараганда анча кўп каноп, ғалла, пилла, қовун-тарвуз, чорвачилик маҳсулотлари сотилди.

Бу муваффақиятлар кўпқирали фаолиятга эга бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группаларининг активлиги, жанговарлик қобилияти ошганлиги натижасидир. Ҳисобот даврида улар коммунист ва партиясиз активларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини оширишга руҳида тарбиялаш жараёнида ҳам кўп ишлар қилдилар. Партия мажлисларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортди. Мажлисларга бир мунча пухта тайёргарлик кўрилди, уларда коллектив аъзоларини қизиқтирадиган, кундалик масалалар муҳокама қилинди. Коммунистларнинг танқидий мулоҳаза ва таклифларн ўрганилиб, ҳисобга олинди. Коммунистларнинг ўз ишлари, Устав талаблари ва партия топшириқларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги шахсий ҳисоботлари тез-тез эшитилмоқда.

Партия ташкилотларининг маъмурият фаолияти устидан контроллик қилиши кучайди.

Маълумки, КПСС Уставида эндиликда партия ташкилотининг маъмурият фаолияти устидан контроль қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги мавжуд қондага аниқлик киритилган. Бундай ҳуқуқдан ишлаб чиқаришдаги партия ташкилотлари билан биргаликда илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, маданий-оқартув ва даволаш муассасаларининг партия ташкилотлари ҳам фойдаланадилар. Бу — партия ташкилотларининг жанговарлигини сезиларли даражада ошириб юборди.

Областимизда маъмурият фаолиятини контроль қилиш буйича комиссиялар сони 1 июлдан 10 ноябргача бўлган даврда 631 тага кўпайди. Бундай комиссиялар сони ҳаммаси бўлиб 2640 тага етди.

КПСС Марказий Комитетининг Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш, меҳнаткашларга ицтисодий билим беришни яхшилаш ҳақидаги қарорлари ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг II пленуми қарори бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари фаолиятининг жанговар программаси бўлиб қолди. Кўпгина коммунистлар ана шу муҳим партия ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришни қатъийроқ назорат остига олиш зарурлигига диққат-эътиборин жалб этдилар.

Жуда кўп партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ишчанлик билан ўтди. Бу мажлисларда таъёрлаш ва ўтказишда область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ва бошқа масъул ходимлар, активистлар иштирок этдилар. Хусусан, партия бюроларининг махсус комиссиялари самарали иш олиб борди, бу тадбирлар мажлислар савиясига яхши таъсир кўрсатди. Ҳисобот докладларида қилинган ишлар пухта таҳлил этилганлиги, камчиликлар рўй-рост очиб ташланганлиги, вазифалар аниқ белгилаб берилганлиги учун ҳам муҳокамада сўзга чиққан коммунистларнинг гаплари, таклифлари қизиқарли

ОҚ ЙЎЛ, ЁШ КООПЕРАТОРЛАР

Область матлубот жамиятида ёш кооператор мутахассисларнинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.


Конференцияда сўзга чиққан «Узбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари З. Ф. Файзуллаев партиямизнинг XXIV съездининг кооператорлар олдига қўйган вазифаси, буни бажаришда ёш мутахассисларнинг роли ҳақида гапирди.

Кейинги йилларда қишлоқ савдосида ишлаётган ёш мутахассислар сони ошиб бормоқда. Улар мактабларда олган билим ларини практикага жорий этиб самарали иш олиб бормоқдалар. Ўтган икки йил давомида ўқув-муассасалари йўли билан 386 киши, мактаб-магазин йўли билан 281 киши тайёрланиб, район ва қишлоқлардаги магазинларда ишлаш учун юборилди. Шунингдек профессионал-техника билим юртини 161 киши, кооператив билим юртини эса 204 киши битирди. Олий ўқув юртларида сиртдан таълим олувчи кооператорлар сони ошиб бормоқда.

Конференцияда сўзлаган область матлубот жамияти раиси З. Ғ. Ҳўжаев ўз нутқида юқоридагиларни алоҳида қайд қилди. Нотиқ ёш мутахассисларнинг савдо маданиятини янада ошириш йўлидаги назифаси ҳақида алоҳида тўхталди.

Музокараларда сўзга чиққан Оржоникидзе район матлубот жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Б. Ғиёсов, Пискент район матлубот жамияти ёш мутахассислар совети раиси Э. Куртумеров, пенсионер С. Мирдадаев лар ўз тажрибалари ҳақида гапирдилар.

Конференция қатнашчилари область матлубот жамиятининг барча ёш кооператорларига қарата мурожаат қабул қилди.



АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ номидаги шарқшунослик институтининг олимлари Берунийнинг 1000 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Суратда: катта илмий ходим, филология фанлари кандидати Исматулла Абдуллаевнинг Беруний асарлари устида ишлаётган жараёни акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАЛҚАРО КИТОБ ИИЛИ

КИТОБХОНЛАР МАМЛАКАТИ

СОВЕТ Иттифоқини буюк китоб мамлакати деб ҳам аташади. Бизнинг мамлакатимизда ҳар куни икки юздан ортиқ янги китоб олам юзини кўради. Бунчалик кўп китоб дунёнинг ҳеч бир мамлакатида босиб чиқарилмайди. Шунинг учун ҳам Советлар эли Ҳалқаро китоб йилини чексиз фахрланиш туйғуси билан нишонламоқда.

Қуйида биз СССРда китоб нашр этиш қанчалик ривожланганини кўрсатувчи айрим факт ва рақамларга диққатингизни жалб қиламиз.

* * *

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг берган маълумотларига қараганда, бутун жаҳонда босиб чиқарилаётган китобларнинг тўртдан бири бизнинг мамлакатимизда нашр қилинмоқда.

* * *

1970 НИЛДА СССРда нашр этилган китоблар номи саксон минг атрофида бўлиб, улар сони эса 1 миллион 300 мингтага етди. Агар шунча миқдордаги китобни бирин-кетин териб чиқиш мумкин бўлганда эди, улар узунлиги экватор узунлигига тенг бўлур эди.

* * *

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясидан сўнг СССРда босиб чиқарилган жаъми китоблар сони 36 миллиарддан зиёд бўлиб, улар икки миллиарддан ортиқ номда нашр қилингандир.

* * *

МОСКВАДА чиқадиган «Книжное обозрение» ҳафталиги тўплаган маълумотларга кўра, ҳар бир совет онласи ўрта ҳисобда йилига 25—30 та китоб сотиб олар экан. Ўнлаб ва юзлаб китобга эга бўлган, яъни ўз шахсий кутубхоналари бўлган кишилар сони бизда беҳисобдир.

* * *

СТАТИСТИК маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳозир 400 мингдан ортиқ давлат ва жамоат кутубхоналари бўлиб, улар минг-минглаб китоб фондига эгадир. Мазкур кутубхоналар хизматидан мунтазам равишда 100 мингдан ортиқ киши фойдаланмоқда.

* * *

СССРда миллионлаб китоб ишқибозлари учун очилган магазинлари пештоқига «Билим — оммага» деб ёзиб қўйилган. Чиндан ҳам шундай. Бизда 15 мингдан ортиқ китоб магазини, минглаб киоскалар мавжуд. Улардан энг каттаси Москвадаги «Китоб уйи» бўлиб, унинг ҳамма бўлимларида 50 мингдан ортиқ китоб қўйилган.

БИРИНЧИ ҚОР

ҲИКОЯ

ҲАЙРИХОН заводдан кўчага чиққанида майда ёмғир севалаб ёғарди. Кўчанинг нариги бетидаги сарғиш ғиштин бинолар, йўлнинг икки четидаги ҳали баргини тўкиб улгурмаган чинор дарахтлари ёмғир пардаси остида гира-шира кўзга чалинади. Узун, равон асфальт кўчадан халқоб қўлмақчаларни ёриб, енгил машиналар шувиллаб ўтиб турибди.

Ҳайрихон ёмғир тинишини кутиб корхона йўлагида бироз туриб қолди. «Ҳали-вери тинадиганга ўхшамайди,— деб ўйлади қизи,— оёкмлар еттига етиб келгин дегандилар. Улгуришим керак. Акс ҳолда адамлар ҳам ишга кетиб қоладилар. Албатта улгуришим керак!»

У шундай деб ўйлади-ю, ўзи эса бутун борлиғи билан бир неча дақиқа илгари унн чулғаб олган ҳис-ҳаяжон гирдобидан қутулолмас эди. Ҳайрихон ҳеч қачон умрида бундай туйғуни бошидан кечирмаганди. У ўша онда барча имкониятларга эга бўлиб қолган одамдай ҳис қилди ўзини. У ҳам энди одам бўлиб кимгадир қувонч, кимгадир арзимас бўлса ҳам бирон бир совға ҳадя қилиши мумкин. Бу қувонч, бу совға Ҳайрихонники — шахсан ўзиники бўлади!

ҲАЙРИХОННИНГ бу корхона бўсағасидан ҳатлаб ўтганига ҳали бир ой ҳам тўлгани йўқ. Биринчи келган куни кадрлар бўлимида ишлайдиган, ўзини Маша деб таништирган ёш бир қизча уни бошлаб юриб, бутун завод билан таништириб чиқди. Шовқин-суронга тўла, ҳайхотдай цехларга кирганда, кўкиш олов пуркаётган пайвандчилар билан тўқнашганда, сирли товуш чиқариб, ёшгина ишчи азмига қўнаётган улкан дастгоҳлар олдида тўхтаганда Ҳайрихон ўзини бошқа дунёга келиб қолгандай сезди. Унинг катта-катта қора кўзлари ўзгача порлар, юмалоқ, лўппи оқ юзлари қизғиш тусга кириб кетган эди. У худди барчага қўшилиб, тинимсиз ишлаётгандай тез-тез нафас оларди.

Тайёр маҳсулотлар майдонига ўтганда Ҳайрихон таажжубда узоқ вақт туриб қолди. «Мана булар заводимизда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари!» деди аллақандай фахрланган оҳангда ҳамроҳи. У гўё унинг гапларини эшитмагандай баҳайбат, янгигина бўялган агрегатларга тикилиб, сеҳрланиб қотиб турарди. Шу зумда у ўзини бепоён оппоқ пахтазор қўйнида кўрди...

Бир қатор бўлиб, саф тортиб келаётган ўнлаб машиналар «оқ олтин» денгизи бўйлаб бир маромда чайқалиб сузиб борарди. Агрегатларнинг қуёш нурида ялтираётган оппоқ, узун тишли шпинделлари лўппи-лўппи бўлиб очилган пахта чаноқларини домига тортар, орқада эса сув тўлқинларини ёриб ўтган кема қолдирган изларга ўхшаш излар ҳосил бўларди. Бункерларга тинимсиз оқиб тушаётган пахталар шалоласи гуркираб кўпаярди... Нима бўлди? Юриб келаётган машиналар нега тўхтаб қолди?! «Юринглар, юринглар»! деб қичқирмоқчи бўлди Ҳайрихон...

У бир қадам олга босиб, ўзига келди. У далада эмас, завод майдонида турганлиги ёдига тушди.

Кейин Маша уни кадрлар бўлимига бошлаб кетди...

Эртаси кун Хайрихон тўппа-тўғри кеча танишган дугонасининг олдига келди. Бироздан сўнг икки қиз ташқари чиқишди.

— Ҳозир сизни Қодир Нодирович билан таништириб қўяман,— деди Маша пештоқига «Йиғув цехи» деб ёзилган улкан оқ бино олдига бориб тўхташгач,— у киши энг атоқли мастерларимиздан, кеча мен гаплашган эдим, сизни шогирдликка олишга рози бўлдилар...

Икки қиз ойнавандли, қуёш нури тушиб турган ёп-ёруғ, кенг цехни кесиб ўтиб, нариги бурчакда тўхташди. Кейин Маша тўпланиб турган беш-олти одам олдига борди-да, бурни устига кўзойнак қўндириб олган, чўққи соқол, узун бўйли, қўкиш коржома кийиб олган бир кишини четга олиб, унинг қулоғига алланималар деди. «Қодир Нодирович деганлари шу отахон бўлса керак» деб хаёлидан ўтказди Ҳайрихон ундан кўзини узмай тикилиб тураркан.

Маша дугонасини имлаб чақирди. Ҳайрихон улар олдига борганда Қодир Нодирович мулойим жилмайиб:

— Салом, қизим!— деди.

У шундай деди-ю, ўртабўй, қадди-қоматн пишиқ, ёқимтой юзли, узун кора қошлари қайрилган янги қизга синовчан тикилди. Ҳайрихон эса ўқитувчиси олдида ноқулай аҳволга тушиб қолган ўқувчидай қизариб, ерга қараб салом берди.

— Кеча мана бу қизим сиз Ер бетини қоплайбошлаган қор Ҳайрихон оёқлари остига атайин тўшаб қўйилган оқ гиламдай йўлини ёритиб турарди.

У дарвозадан жимгина ҳовлига кирди. Даҳлиз олдига етганда «Ойижон!» деб қичқириб юборганини ўзи ҳам сезмади. Еп-ёруғ чирог ёниб турган хонага кирди. Унга пешвоз чиққан ойиси бағрига отилди.

— Бугун ишчилар сафига қабул қилиндим. Биринчи маош ҳам олдим. Оз бўлса ҳам, — деди у, — сизларга, қизларингиздан, Ҳайрихонингиздан биринчи совға!..

Ота-она қизларини кўксига босишар, қор томчилари ингаи пешонасидан ўпишарди.

Шу аснода Азиз ака билан Муниса опа ҳаёлан узоқ-узоқларда бўлиб, умумий бир нарса ҳақида ўйлардилар...

...ЎН ЕТТИ йил муқаддам Азиз билан Муниса бир ёстиққа бош қўйишганди. Тўй куни Мунисанинг ойиси ишлайдиган касалхонада эри ўлимидан сўнг олти ой ўтар-ўтмас бир аёл вафот этади. Марҳумнинг ҳеч кими йўқлиги маълум бўлади. Онаси билан бирга ётган тўққиз ойлик қизчаси етим қолади... Мунисанинг ойиси кечқурун оқ чойшобга ўралган ёқимтой, лўппиюз, мунчоқ кўз, жажжигина қизчани янги келин-куёв олдига кўтариб келади...

Ҳозир ота-онаси қаршисида турган, уларнинг қалбига оламолам севинч бахш этган, хонадонга раҳмат келтирган ўша жажжи қизча —Ҳайрихон эди... У Азиз ака билан Муниса опаларнинг энг тўнғич фарзандлари — Ҳайрихон эди.

— Онагинанг айлансин, гирттионинг бўлай,— деди Муниса опа қизини қайта бағрига босар экан, — йўлингнинг нурли бўлсин, табриклайман жоним, табриклайман, бахтинг муборак бўлсин!..

Раҳимберди УМАРОВ.

Аввал кекса ишчилардан кимдир чиқиб сўзласа керак, деб таҳмин қилди ўзича Ҳайрихон. Балки, Қодир Нодирович гапирар. Ундан машҳурроқ одам йўққу, заводда!..

Ҳайрихон устозининг минбарга кўтарилганини тасаввур қилди. Қодир Нодировичнинг бўғиқроқ овози эшитилди.

— Ўртоқлар,— бугун биз янги йил арафасида бир гуруҳ ёшларни ишчилар сафига қабул қилаётирмиз... Улар орасида менинг шогирдим Ҳайри Умидова ҳам бор...

Вой ўлай!.. Ҳайрихон бутун вужудининг зириллаб кетганини, юраги ҳаддан ташқари тез-тез ураётганини сезди. Наҳотки Қодир Нодирович шундай десалар!

«Сен ҳам сўзга чиқасан...» Қодир Нодирович шундай дедилар. Сўзга чиқиб нима дейман? Шу зумда у имтиҳонда жавоб беролмай тутилиб қолган боладай тасаввур қилди ўзини. Гапирмасам бўлмаса?.. Ахир ҳамма сўзга чиқар эканку!..

Мана оҳиста ўрнидан турди. Тез-тез юриб минбарга чиқди. Залга тикилди. Кўзларига ҳеч нарса кўринмади. Фақат залда нималардир ғимирлаётганга ўхшаб кетди. Ҳайрихон ҳаёлан эртага қиладиган ҳаракатларини такрорлар эди. Томоқ қириб гап бошлайди:

— Мен, Ҳайри Умидова...

Репродукторлардан Ҳайрихон ўзининг кескин, аниқ овозини эшитди. Шу аснода у ёлгиздай, ҳаммаёқни жимжитлик қуршаб олган жойда пайдо бўлиб қолгандай бўлди. Қулоғига ўзининг овозидан бошқа ҳеч нарса кирмас, фақат узоқ-узоқлардан гўё денгиз шовуллаши эшитилиб тургандай эди.

— Мен, Ҳайри Умидова шонли ишчилар сафига кирар экаиман, ҳамиша жонажон партиямиз гояларига, улуғвор коммунизм ишига содиқ бўлишга қасамёд этаман. Мен ўз касбимни яхши ўзлаштириб олишга, кундалик топшириқларни доимо ошириб бажаришга, заводимиз шуҳратини баланд кўтаришга сўз бераман...

Кейин нима дейман?.. Кейин бундай дейман:

— Мен ишчи ота-боболаримиз анъаналарини муносиб давомчиси бўлишга, улар қилган орзу-умидларнинг рўёбга чиқарилишида ўз ҳиссамни қўшишга ваъда қиламан... Мен... Мен ҳеч қачон устозларим, дўстларим юзини ерга қаратмайман...

Шундай деб гапимни тамом қилсаммикин? Еки «меҳнатда, ўқишда, турмушда бошқаларга ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан, берган ваъдамни ҳеч қачон унутмайман, деб сизларни ишонтираман!..» деб қўшиб қўйсам ҳам бўлади. Ҳа, бўлади. Ахир газеталарда, шундай сўзларни кўп ўқиганман, радиолардан эшитганман-ку. Ахир булар шунчаки айтилган сўзлар эмас-ку. Гап ана шу сўзларга амал қилишда; ҳа қатъий амал қилишда!.. Ҳозир Ҳайрихоннинг фикрлари гўё янгича мазмун касф этгандай, ўзгача руҳ бағишлагандай туюлди унга.

...Ҳайрихон чўзиқ, оқиш ипга ўхшаб осмондан осилиб тушаётган томчилар тизмасига, кўлмакчалар юзида ҳосил бўлаётган сон-саноқсиз пуфакчаларга ҳаёл суриб тикилиб турар экан, бугунги мажлиснинг дерялик кеча ўзи ўйлаганидек бўлганига ҳайрон қолди. Фақат биринчи бўлиб ўзига сўз берилишини ҳеч ҳам ўйига келтирмаган эди. У бугун биринчи бўлиб сўзга чиқди.

Ҳайрихон сўзларини тамом қилиши биланоқ чапаклар гуриллади. У ўз жойига тезроқ бориб ўтиришга шошилларди.

Ҳамма ташқари чиққанда осмон юзини ғимқўқиш булут қоплаб олган бўлиб, ёмғир томчилай бошлаган эди. Ҳайрихон устози билан ҳайрлашиб завод дарвозаси томон югурди. Дарвозага етиб келгунча эса ёмғир тезлаб кетди.

...ЗАВОД йўлагида тоқатсизланиб турган Ҳайрихоннинг ёмғир тинишига кўзи етмади. «Магазинлар ёпилиб қолса-я, ахир мен совғалар олишим керак-ку»—деб ўйлади ичида у. Юраги ҳаприқиб кетди. Магазинлар ёпилиб қолса, унда нима бўлади? Қачонлардан бери балки, эсини таниганидан буён у мана шу кунни кутган эди.

Ҳайрихон «нима бўлса бўлар» деди-да, ҳаворанг плашчининг ёқасини кўтариб, елкасини қисганча юриб кетди. Муздай ёмғир томчиларн ловуллаб турган юзларига уриларди.

...У трамвайдан тушганда ёмғир қорга айланган эди. Пағапага бўлиб, нардай оҳиста пастга тушаётган қор заррачаларини кўриб, Хайрихон болаларча қувониб кетди. Нима учундир унинг ҳаёлига шу зумда «Биринчи маош, биринчи совға, биринчи қор» деган фикрлар келди. Унинг юпқа, мижжадек, чиройли лаблари кулимсиради.

ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ва мазмунли бўлди. Сўзга чиққан ҳар бир коммунист конкрет таклиф ва мулоҳазалар билан чиқди.

Автоматика тажриба-конструкторлик бюроси ҳамда Чирчиқ шаҳридаги тикув фабрикаси партия ташкилотлари йиғилишлари ҳам худди ана шу руҳда ўтди. Узбекистон ССР саноат қурилиш материаллари министрлиги қурилиш материаллари комбинати ҳамда Тошкент шаҳридаги 20-турар-жойлардан фойдаланиш идорасн, Ангрен шаҳридаги разрез қурилиш бошқармаси, Бекобод шаҳридаги 3-автотранспорт конторасн, Бўка районидаги «Партия XX съезди», Янгийўл районидаги Навоий номли ва Энгельс номли колхозлари, Оққўрғон районидаги «Қуйи Чирчиқ» совхози партия ташкилотлари йиғилишлари ҳам ишчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтди.

Лекин, шуни айтиш керакки, айрим партия бюролари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ҳисобот докладларини тайёрлашга юзаки муносабатда бўлдилар. Тошкентдаги дурадгорчилик буюмлари заводи партия ташкилоти ҳақида ҳудди шу гапни айтиш мумкин. Докладда партия бюроси иши чуқур таҳлил қилинмаганлиги туфайли ҳам музокарада сўзга чиққан коммунистларнинг гаплари ўз-ўзига ҳисобот беришдан нарига ўтмади. Собир Раҳимов районидаги 16-ва 134-мактаб партия ташкилотлари, тўқимачилик-галантерея фабрикаси, «Баҳор» ресторани партия ташкилотлари йиғилишларида ҳам шундай камчилик рўй берди. Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар Тошкентдаги асбобсозлик заводи партия бюроси комсомол ва ёшларга малакали ёрдам бермаётганлигини ҳам айтиб ўтишди. Бу камчилик биринчи «Автором» заводи ва ремонт-подшипник заводлари партия ташкилотлари фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

«Ташхозкультторг», «Узсельхозтехника»нинг ремонт-механика заводи, 2-йўл дистанцияси партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистларнинг атиги 70—80 процентн иштирок этди. Бу жуда ачинарли ҳолдир. «Средазуголь» шахта қурилиши ва монтаж бошқармаси комбинати, Оҳангарондаги сут заводи коммунистлари музокарада сўзга чиқиб, партия мажлисларини Устав талабларига тўғри келтирмаслигини, партия муддатларида чақирилмаслигини, партия ташкилотларн секретарларини ҳақли равишда танқид қилдилар. Ҳеч бир асоссиз равишда мажлисни ўтказиш кунларини бошқа кунга кўчириш ҳолларига ҳам йўл қўйилди. Бўстонлиқ районидаги айрим партия ташкилотларида эса ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтаётган кезларда мажлислар икки-уч марталаб бошқа кунга кўчирилди.

Партия мажлислари қарорлари бажарилаётганлиги суст назорат қилиниши туфайли бу қарорлар кўпинча бажарилмай қолмоқда. Кўпгина коммунистлар партия топшириғига эга эмас.

Афсуски, айрим партия ташкилотлари секретарларининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарсиз деб топилди. Бунинг боиси нимада? Ҳамма гап топширилган иш учун масъулият ҳисси йўқотиб қўйилганлигидадир. Бу коммунистлар партия ташкилотн томонидан билдирилган юксак ишончни оқлай олмадилар. Мана, И. И. Пахомовни олайлик. Унинг шахсан ўзи кўп ҳолларда интизомсизлик кўрсатди. Шундай бўлгач, қандай қилиб у Олмаликдаги «Заигопи экран», ательеси партия ташкилотига чинакам раҳбарлик қилиши мумкин. Бу ерда мажлис ўтказилмаган, партия ташкилоти фаолиятсизлик кўрсатган. Энди шундай савол туғилади: коммунистлар ҳисобот-сайлов йиғилишини кутиб ўтирмасдан аҳволни яхшилаш ҳақида нима учун илгарироқ қайгурмадилар? Ахир, мажлисда ҳисобот беришга арзийдиган иш ҳам қилинмаган эди-да!

Яна бир мисол. Бўка районидаги Оржоникидзе номли мактаб партия ташкилоти секретари В. И. Аляпин ўз-ўзидан ишдан четлашиб кетган. Бу мактабда мажлис камдан-кам ўтказилган, ўтган тақдирда ҳам унга шошма-шошарлик билан тайёргарлик кўрилган. Шунинг учун ҳам коммунистлар партия ташкилотининг ишини бир овоздан қониқарсиз деб топдилар.

Шаҳар ва район партия комитетлари партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларини пухта таҳлил этишлари, коммунистлар томонидан киритилган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни қатъий ҳисобга олишлари керак. Бу мулоҳаза ва таклифларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида партия йиғилишларида тез-тез ҳисоб бериб туришни лозим.

Эндиликда фақат бошланғич партия ташкилотлари секретарлиги вазифасига 3101 киши сайланди. Улардан 940 киши аёллардир. Секретарларнинг аксарияти сиёсий етук, омма орасида обрў-эътиборга эга бўлган кишилардир. Ярмидан кўпи олий маълумотга, 150 киши тўлиқсиз олий маълумотга, 1052 киши умумий, ўрта ва махсус ўрта маълумотга эга. Партия раҳбар ходимларининг сифат состави сезиларли даражада яхшиланди.

Лекин, булардан улар ўз малакаларини, билимларини ошириб боришга мухтож эмаслар, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Шаҳар ва район партия комитетлари улар учун тез-тез семинар ўтказиб туришлари, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришни йўлга қўйишлари лозим. Айниқса, бошланғич ва цех партия ташкилотларига, янгидан сайланган секретарлар, партия группалари раҳбарлари ўқувига алоҳида эътибор бериш керак.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистлар активлигини ўсиб бораётганлигини, улар йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ тугатишга шай турганликлари ва КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган назифаларни бажаришда янги муваффақиятларга эришишга қатъий аҳд қилганликларини кўрсатди.

О. ЗУФАРОВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири.

КПСС резолюция ва қарорларда

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти босмага тайёрлаган «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» деган ҳужжатларнинг еттинчи томи (тўлатилган ва тузатилган саккизинчи нашри)ни чоп этди.

Бу томда 1955 йил январь ойидан 1959 йил июнь ойигача ўтган даврга тааллуқли ҳужжатлар бор.

Томдаги ҳужжатлар сони аввалги нашрдагига нисбатан кенгайтирилган. Китобдаги материаллар партиянинг социалистик қурилишдаги раҳбарлик роли ўсиб борганлигини исбот қилади, партия кўп қиррали фаолиятининг турли томонларини очиқ кўрсатиб беради.

«КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» еттинчи томи П. Н. Федосеев билан К. У. Черненко умумий таҳрири остида нашр этилди.

(ТАСС).

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



▲ ПЕРМ ОБЛАСТИ. Лисвен металлургия заводи эмалланган идиш-товоқлар ишлаб чиқарувчи йирик корхонадир. Бу йил завод конвейерларидан 34 миллион дона ана шундай буюмлар тушади. Суратда: ҳисобчи Г. Сидорова тайёр маҳсулотларни ўздан кечирмоқда.

Е. ЗАГУЛЯЕВ фотоси.



▲ ЕРЕВАН. Математика машиналари илмий-тадқиқот институти коллективи кичик ҳажмдаги электрон ҳисоблаш машиналарининг янги турларини яратди. Унинг сўнгги нусҳаси — «Наири—3»дир. Суратда: сўнгги яратилган машинанинг ихчам блоки.

Г. БАГДАСАРЯН ва Э. ИСААКЯН фотоси.



▲ УСТЬ-БАЛИҚ-КУРГАН-АЛЬМЕТЬЕВСК нефть қувурн қурилиши ишлари жадал олиб борилмоқда. Суратда: Юргамиш монтаж участкасида (Курган области) қувурлар ётқизиш пайти.

С. ЮДИН фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

КАФТДАГИ ЮРАК

Ҳозир у бизнинг олдимизга юриб чиқди. Кўзларида барқ уриб турган қувонч билан гоҳ бир ҳафтадан буён уйига қайтмай, шу ерда юрган отасига, гоҳ меҳрибон врачларга шодон боқиб келарди.

— Мана шу азамат! — таништирди Карим Хўжаевич бемор болани. — Қалай, Зойиржон, оғриқ йўқми?

— Йўқ — жавоб берди Зойиржон стулда ўтираркан.

— Вижиллаши эшитилмаяптими?

— Ҳеч ҳам.

— Жуда яхши. Энди янги йилни уйда бирга кутсанглар ҳам бўлади, — деди профессор ота-болага маъноли назар ташлар экан.

Турсунбой бу ҳурсандчилик онларига сира ишонмасди. Аҳир, қанча вақт истиробда юрди, умидини узган чоғлари ҳам бўлди.

Рост, бу йил Тошбуви ва Турсунбой Оқиловлар хонадонида ташвишли кунлар кўп бўлди. Бҳорда машина аварияси ҳунук оқибатга олиб келди. Кутилмагандаги бахтсиз ҳодиса бир ўғлидан жудо қилди. Сўнг Жасурнинг томоги операция бўлди. каттаси эса кундан-кун озиб, рангидан қон қочиб кетди. Овқатга иштаҳаси йўқ, ўртоқлари билан бирга ўйнамасди ҳам. Аввалига, катта фарзанд-да, укасига куйинаётгандир, деган ҳаёлга боришди. Лекин, Зойиржоннинг қимирлашга ҳам мажоли қолмаётганлиги, лаблари, кўзларининг ости мўматалоқ бўлаётганлиги ҳаммани ажаблантириб қўйди.

Шаҳар касалхонасига олиб боришди. Ҳар хил анализ қилиб кўрилди. Врачларнинг диагнози ота-онани ҳанг-манг қилиб қўйди.

— Юрак пороги.

Шифохонада аччиқ ҳақиқатни рўй-рост айтишди: касаллик зўриқиб кетаётир, лекин бирон бир чора кўриш қийин.

Турсунбой одамларнинг маслаҳати билан Тошкентга келди. Бу ерда 14-болалар касалхонасига учрашишни тавсия этишди.

— Оз бўлмаса, кечиккан экансиз, юрак анча кенгайиб кетибди, — деди Карим Хўжаевич қийин нафас олаётган болани кўргач.

Дарҳақиқат, унинг юрак уриши шундай шиддатли эдики, олдида турган одам бемалол эшитарди.

— Лекин зарари йўқ, қўлдан келганча уринамиз, — юпатди шифокор. — Тузалишнинг бир-дан-бир йўли — операция.

Мана, ўша сўхбат бўлганига ҳам анча кун бўлди. Операция бўладиган кун Турсунбой ҳам, Тошбуви ҳам мижжа қоқишмай чиқишди. «Розилик бердигу, буёғи нима бўларкин? Навқирон умрига завол бўлсакчи» ёмон ҳаёллар олиб кетарди.

Лекин, операция кунини кутишдан ҳам операция хонаси атрофида турган дақиқалар ҳаяжони ортиқ бўлди. Чамаси, болани ўн икки ёшга етказиш ҳам бунчалик узоқ вақтга чўзилмагандек кўринди. Ҳаёл оти жуда чопагон: шу дақиқаларда уларнинг кўзи олдидан нималар ўтмади дейсиз: у дунёга келган кун қувончлари оламни тутди. Унинг тетапоя қилиб юриши, биринчи марта эркаланиб «дада»га оғиз жуфтлагани, мактабга боргани, ўқишдан югура келиб, табелидаги «5»ни кўрсатгани — ҳаммаси ўтаверди.

Фарзанд ширин-да! Бўлмаса унинг йиғи ва тўполони, қайсарлиги ва бошқа нуқсонлари эмас, фақат шўх эркаланишлари, маъюс боқишлари, қисқаси, жамики фазилатлари эсга келармиди?!

Атрофдагилар ҳар қанча тасалли беришмасин, ота билан онанинг ҳаёли ҳамон чарх урарди. Ана, кимдир ўша хонага шошилиб ўтди. Яна аллаким, қандайдир аппарат билан кириб кетди. Кўзлар ўша эшикнинг тирқишига нигорон. Ниҳоят...

— Табриклаймиз! Ҳозирча яхши, — таниш профессор чиқиб, шундай хушхабарни айтди.

— Ростданми? Бўлдими? — бараварига ўзланишди эр-хотин.

Шу онда уларнинг кўзига олам нурафшон бўлиб кетди. Нима қилишни — ўзларини қаерга қўйишни, шифокорни қандай табриклашни билишмасди. Очиғи, у туғилгандаги шодлик ҳам бунчалик эмасди.

Кўп ўтмай хирургнинг ўзи чиқди. Чеҳрасидаги мамнунлик, ҳаракатларидаги дадиллик ҳам бояги хушхабарни тасдиқлаб турарди.

Хирургнинг сўзлари ҳар қанча суюнтирмасин, Зойирни ўз кўзлари билан кўриш иштиёқи зўрроқ бўлди.

Бола эртасига кўзини очди. Ота-она таскин топди. Бироқ, операциядан кейин ўлим билан кураш давом этди. Ярим операция шароитидаги махсус палатада врач ва ҳамшираларнинг узлуксиз постда туришди.

Энди ташвишли дамлар орқада қолди. Хирурглар илтимосимизга кўра ўша операция ҳақида бизга бафуржа гапириб беришди.

— Беморнинг дарди оғир эди, — ҳикоя қилади профессор Тагиров. — Ёшлигида ревматизм билан оғриган, бу дард унинг юрак мускулларига ёмон таъсир қилган. Клапанлар қисилиб, юрак қонни чиқара олмай қолган. Натижада бола кунтун безовталанган. Агар яна иккий ой давом этса...

Хирург Эркли Маҳмудович Ходиев беморнинг аҳволи билан пухта танишиб чиқди. Сўнг операция плани тузилди. Ҳар галги юрак операциясидагидек врачлар иккита бригадага бўлинди. Биринчи бригада операция қилса, иккинчиси хирургнинг яқин ёрдамчилари — аппаратларнинг ишлашига қараб турди. Профессор Тагиров раҳбарлигида операцияни медицина фанлари доктори, Эркли Ходиев, медицина фанлари кандидатлари Эркин Тагиров, Юнус Улиев ва бошқалар амалга оширишди.

—Хўш, операция қандай давом этди?

— Бемор аввал ухлатилди. Қовурға кўтарилиб, кўкрак қафаси ёриб, ирокка етиб борилди. Унинг юқори пардаси очилди. Дори бериб боланинг нафас олишини ҳам тўхтатдик. Сунъий нафас олиш аппаратлари ишга тушди. Юрак қўлга олинди. Шу дақиқаларда унинг «бежо» бўлишини кўрсангиз. У ҳеч кимга «сўз бермайдигандай» туюлади. Деворлари силлиқ юракни қўл билан ушлаш қийин — ҳаддан ташқари тез типирчилаб, қўлдан чиқиб кетгудек бўларди. Аппарат билан юрак уриши секинлаштирилди. Энди унинг қозончасини очиш мумкин эди. Унга бармоқ тиқиб кенгайтирилди. Ана шунда юрак тўхтаб қолди. Дақиқаларни қўлдан бермай, юракни оҳиста массаж қилишга ўтилди. Қарийб бир соат кўплашиб ҳаёт учун курашни давом эттирдик.

Бу кураш яна врач ва беморнинг фойдасига ҳал бўлди.

Хирурглар иши сапёрлар ишидек қалтис. Сапёрлар сал адашса, ўзининг ҳаёти, хирурглар андак ноаниқликка йўл қўйса, беморнинг тақдири ҳал бўлади.

Э. Ходиев хатога йўл қўймасликка уринадиган, қўли енгил хирурглардан. У бу клиникада ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Икки йил ичида аввал доцент, кейин эса иккинчи профессор лавозимига кўтарилди. Дастлабки юрак операцияларини профессор Ясевич қўлида, Тошкентдаги 6-шаҳар касалхонасида ўтказган. Шу соҳада илмий иш олиб бориб кандидатлик, сўнг докторлик диссертациясини ёзди. Москва клиникаларида машҳур мутахассислар билан ёнма-ён ишлаб, маҳоратини оширди.

У Карим Хўжаевич Тагировни устоз деб билади. Тагиров унгагина эмас, республикамиздаги юзлаб шифокорларга мураббий бўлган. Тагиров Ўрта Осиёда болалар хирургиясининг ташкилотчиси, ўзбеклардан чиққан биринчи болалар хирурглардан. Қарийб 20 йилдан буён юрак операциялари ўтказади. Ўпка, буйрак ва бошқа нозик аъзолар устида операция қилишда ҳам машҳур.

Биз клиникада бўлган кун соғлиқни сақлаш министрлигидан қўнғироқ қилишди. Россиянинг аллақайси шаҳридан бир бемор дардига даво истаб келибди. Ўзбекистонда шу соҳа бўйича бўлак ҳеч ким йўқ. Профессор «Майли, юбораверинг» деб жавоб берди. Олимнинг «Сийдик йўлларида тош касалликлари» монографияси шу соҳада яратилган мукаммал қўлланма. Тагиров раҳбарлигида ўнга яқин фан кандидати, икки фан доктори етишиб чиқди. У бизга деворга осилиқ диаграммаларни кўрсатди. Диаграммада клиника 1947 йил иш бошлагани, ўшанда 34 та болага операция қилингани тасвирланган эди. Ҳозир клиника базаси кенгайиб кетди. Дастлаб 40 та койка бўлган бўлса, ҳозир бу рақам ўн баравар ошиб кетди. Бу йил 5 мингга яқин операция қилинди. Демак, юзлаб одамлар ҳаётга қайтарилди, минглаб оилаларга шодлик бахш этилди.

Сирдарё областидан оғир дардига даво истаб келган Зойир Оқилов ҳам бугун-эрта уйига қайтади. Энди у ҳамма тенгқурлари сингари ўйнаб-кулади, бемалол ўқишини давом эттиради. Янги йил байрамида Зойиржонлар уйида шоду-хуррамлик билан дастурхон атрофига ўтиришади. Шунда улар ўтган кунларни эслашади. Биринчи галда албатта Зойиржоннинг ҳалоскори тилга олинади. Унинг маҳорати ва ҳаёт учун курашдаги жасорати тилга олинади. Фақат байрам арафасида, дастурхон устида эмас ҳамма вақт, ҳар ерда эслаб юрилади.

Яхшилик ҳеч қачон унутилмайди.

С. МУСАЕВ.



ОҒИР дард чекинди. Кичкинтой Зойир ва отаси Турсунбой Оқиловларнинг ҳам, профессорлар Карим Тагиров (ўнгда) ва Эркли Ходиевларнинг ҳам қалблари бугун бир олам қувончга тўлиқ.

А. Абалян фотоси.

Реклама ва Эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 ЯНВАРЬ КУНДУЗ СОАТ 2 ДА

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти

ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ДИЛБАР ФАЗЕОВА

Солистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Дилафруз ЖАББОРОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Дилором ҚАЮМОВА.

ЎЗБЕК ҲАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — Ҳасан ИЎЛДОШЕВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан сотилади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/I да — БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
6/I да ОҚАР СУВЛАР.
7/I да — ЎЛИМЛАРНИ ҚОЛ.
2/I да — УЧИНЧИ ОРЗУ.
ДИРИВ ДОҒДА.
3/I да — БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
8/I да — УЧИНЧИ ОРЗУ.
4/I да — ДИИДОР.
9/I да — БЕШ КУНЛИК КУЁВ.
5/I да — ОҚАР СУВЛАР.
10/I да — ОҚАР СУВЛАР.

Спектакллар кундуз соат 12 да ва 4 да бошланади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

УҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.55 — Кўрсатувлар программаси. 11.00 — «Қувноқлар кулгиси» (ўзбек тилида). 11.40 — «Капитан Грант болалари» (бадиий фильм, рус тилида).

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм. 18.15 — «Ахборот» информацион программаси.

18.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19.00 — «Майсаранинг иши» (Алишер Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида киноочеркlар). 21.15 — «Ахборот» информацион программаси.

21.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.30 — «Янги йил дастурхонига» (репортаж). 22.00 — 1971 йил Давлат мукофоти лауреатлари. Сергей ГЕРАСИМОВ (кинокўрсатув).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00— СССРда Сурия Араб республикаси маданияти кунлари. «Юк машинаси ҳайдовчиси» (бадиий фильм), 21.20— Реклама, 21.30 — «Ариран» корейс эстрадаси концерти.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XII да Доктор Айболит (кундузи), Майсаранинг иши (кечқурун), 31/XII да Этик кийган мушук (кундузи), Севилия сартароши (кечқурун). 2/I да Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак (кундузи), Риголетто (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/I да Афсона яратган қиз (кундузи), Олтин девор (кечқурун). 2/I да Табассум ўғрилари (кундузи), Парвоз (кечқурун). 3/I да Табассум ўғрилари (кундузи), Алжонларим (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/XII да Севишганлар ҳиёбони (кеч соат 7 яримда). 1/I да Лақма (кундуз ва кечқурун), 2/I да Ҳалима (кундузи), Хотинимнинг эри (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта янги йил тамошалари, «ЦИРКДА АРЧА» (кундуз соат 12, 3 ва 5 яримда).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА — Муз устида балет тамошалари, «КОНЕК ГОРБУНОК» (кундуз соат 11, 3 ва кеч 6 да).

КИНО

Шаҳрим юлдузи — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12.30, 2.30, 5 ва кеч 7 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Том остидаги жанг — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 11.40, 5 ва кеч 9 да).

Ватерлоо (2 серия) — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кеч 8 яримда), «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим ва кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Дайди (2 серия), кундуз соат 2, 3, 5, кеч 6 ва 8 да), Россия қалби, (эрталаб соат 10, кундуз 11, 12, 1, кеч 9 да) — «ДРУЖБА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида

31 декабрдан 10 январгача

КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

„ЦИРКДА АРЧА“

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва 5 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 11 дан кеч 6 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кундуз соат 2.40 ва кеч 8.20 минутда), Ёш гвардия (2 серия, кундуз соат 11.40 ва 5.20 минутда); — НАВОИЙ номли.

Катта сайр (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Битта телефон қилинса бас — «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

Севги маҳи — «СПУТНИК» (жуфт соатларда, 1 ярим ва кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

11 январь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўсимликлар химияси ва ипакчилик факультетларининг илмий совет кенгаши (49-аудитория)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. Абдуллаев: «Фойдаланиладиган тут дарахтларини барг орқали озиқлантиришнинг самарадорлиги» деган темада;

В. С. Шевченко: «Жанубий Қирғизистонда ёнғоқ навларини танлаш ва кўпайтириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Оржоникидзе район, 4-алоқа бўлими)да танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг коллективи маҳоман ансамблининг солисти М. Бойбоевга отаси

Бойбой НЕЪМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти коллективи институтнинг катта инженери

Ҳамида Собировна РАЖАБОВАнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия билдиради.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ҚАРОҚЧИЛИК ҲУЖУМЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Е. Егоров хабар беради.

Америка авиацияси сурункасига икки кундан бери ВДР территориясига кўп самолётлар билан ёпирилиб ҳужум қилмоқда. Сайгондан олинган хабарларга кўра, ҳужумларда 350 тадан ортиқ самолёт қатнашган.

Американинг газеталари ВДРни ҳозирги бомбардимон қилиш 1968 йилда бомбардимон расман тўхтатилган вақтдан бери қилинган энг каттасидир, деб ёзмоқда. Сайгондаги, шунингдек Вашингтондаги Америка ҳарбий доиралари Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилиш бундан кейин ҳам давом эттирилишини яширмаяпти. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Вашингтондаги юқори мансабдор вакиллардан бири ҳозирги ҳужумлар Ҳинди-Хитойда яна кенгайтириладиган ҳаво урушининг «дебочасидир» холос, деган.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. 28. Информация агентликларининг Сайгондан берган хабарларига қараганда, бугун Америка самолётлари яна ВДР территориясини бомбардимон қилди.

Осмондан қилинаётган ҳужумларда Жанубий Вьетнам ва Таиландда жойлашган Америка ҳарбий базаларидаги, шунингдек Тонкин кўрфазида изгиб юрган иккита авианосецдаги самолётлар қатнашмоқда.

ВДР га қарши осмонда уруш кучайтирилганлигини АҚШ сиёсий доиралари кескин танқид қилмоқдалар. Президентлик лавозимига даъвогар бўлган республикачи сенатор Макклоски «Си-Би-Эс» радио компанияси ходими билан суҳбатда ВДР яна бомбардимон қилинаётганлигини қоралади. Сенатор Хэмфри кеча Филадельфияда нутқ сўзлаб, ҳукуматни Шарқий Жанубий Осиёдаги урушни кучайтиришда айблади ва ВДРни бомбардимон қилишни батамом тўхтатишга чақирди. У Американинг Жанубий Вьетнамдаги ҳамма қўшинларини олиб чиқиб кетишни ва Тихиёу режимини қўллаб-қувватлашни тўхтатишни ҳам талаб қилди.

ПТИ АГЕНТЛИГИ ХАБАР БЕРАДИ

ДЕҲЛИ. 28. ПТИ агентлиги хабар беради: Даккада Бангла Деш молия министри Мансур Али билан Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлиги ташқи сиёсатни планлаштириш комитетининг раиси Д. П. Дхар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар давомида эришилган битимга кўра, Бангла Деш яқин вақт ичида Ҳиндистонга хом жут ва жутдан тайёрланган маҳсулотлар экспорт қила бошлайди. Ҳиндистон вайрон бўлган алоқа йўллари системасини қайта тиклашда Бангла Дешга ёрдам беради.

ДЕҲЛИ. 28. ПТИ агентлигининг Даккадан берган хабарида айтилишича, Бангла Дешда ҳозир бекор турган ҳамма жут фабрикалари ва бошқа саноат корхоналари ҳукумат назорати остига олинади. Эгалари Бангла Дешдан кетиб қолган ҳамма савдо-сотиқ фирмаларини ва страхование компанияларини бошқариш ҳам давлат қўлига ўтказилади. Бангла Деш ҳукуматининг Молия министри Мансур Али раислигида ўтган олий маъмурлар мажлисида ана шундай қарор қабул қилинди. Бангла Дешнинг иқтисодий тузилиши мамлакат халқ оммаси манфаатларини кўзлаб қурилиши лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

ЯНГИ ЙИЛ ҚАБУЛ МАРОСИМИ

САНТЬЯГО. 28. Чили президенти Сальвадор Альенде мамлакатдаги дипломатия корпуси шарафига ўтказилган янги йил қабул маросимида сўзлаган нутқида бундай деди: «халқнинг ўзи бизнинг олдимизга қўйган катта вазифа — халқ оммаси турмушининг моддий ва маънавий савиясини оширишдан иборат. Биз бу вазифани албатта бажарамиз».

Шу йил содир бўлган зилзаланинг оғир оқибатларини тугатишда Чилига берилган ёрдам учун президент чет эл давлатларининг вакилларига миннатдорчилик билдирди.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

ТОКИО. 28. Африка-Осиё бирдамлиги Япония комитети АҚШ авиацияси ВДР территориясини бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатсин, деб талаб қилди. Комитетнинг Япониядаги АҚШ элчихонаси номига юборган телеграммасида Америка авиациясининг ВДРга яна вақшиёна ҳужум қила бошлаганлиги Япония халқини жуда қаттиқ газаблантирди ва мамлакат ташкилотлари бунга қарши кескин норозилик билдирдилар, деб таъкидланади. Қўшма Штатларнинг агрессив ҳаракатлари АҚШ Ҳинди-Хитойдаги агрессияни кенгайтираётганлигини яна бир марта кўрсатиб берди.

▲ СИНГАПУР. Сингапурда биринчи СССР саноат моллари виставкаси катта қизиқиш уйготмоқда. Икки ҳафта ичида бу виставкани шаҳар аҳолисининг ҳар ўндан бири келиб кўрди. Суратда: виставканинг умумий кўриниши.

В. ДУШЕНЬКИН фотоси, ТАСС фотохроникаси.



Спорт

СПОРТ ЙИЛИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўтиб бораётган йилнинг энг машҳур совет спортчиси номини жаҳоннинг энг кучли полвони, оғир вазнда Европа ва жаҳон чемпиони Василий Алексеев олди. У СССР спорт журналистлари федерациясининг анъанавий янги йил анкетаси натижалари бўйича ҳаммадан кўп овоз олди. Алексеев 1970 йилда ҳам шу номга сазовор бўлган эди.

Спорт йилининг ўнта лауреати рўйхатига (алфавит бўйича) 800 метрга югуриш бўйича Европа чемпиони Евгений Аржанов, 100 ва 200 метрга югуришдан Европа чемпиони Валерий Борзов, эркин курашдан жаҳон чемпиони Александр Медведь, диск иргитиш бўйича Европа чемпиони ва жаҳон рекордчиси Фаина Мельник, замонавий бешкурашдан жаҳон чемпиони Борис Онишченко, муз устида рақсдан жаҳон ва Европа чемпионлари Людмила Пахомова — Александр Горшков, жуфт бўлиб муз устида учишда жаҳон ва Европа чемпионлари, Ирина Роднина — Алексей Уланов, конькида тез югуришдан жаҳон ва Европа чемпиони Нина Статкевич, спорт гимнастикасидан жаҳон ва Европанинг абсолют чемпиони Людмила Туришчевалар киришди.

МУҲАММАД АЛИ ҒАЛАБАСИ

Машҳур америкалик боксчи Муҳаммад Али Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Ғарбий Германия боксчиси Юрген Блин устидан ғалаба қозонди. У еттинчи раундда рақибини нокаут қилди.

28 ёшли Германия Федератив Республикаси чемпиони собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Али билан бўлган учрашувга умид боғлаб, профессионал боксда чўққига чиқмоқчи ва катта бойлик орттирмоқчи эди. Блин бунгача 42 та жанг ўтказиб, 28 тасида ғалаба қозонган, 6 тасини дуранг қилган ва атиги 8 тасида енгилган эди. Шу вақтгача у нокаут бўлмаган эди. Бироқ Муҳаммад Али кучли рақибини осонгина мағлуб этди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 14691. ИНДЕКС 64697. А—1868.